

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI**

NAMANGAN MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI

“IJTIMOIY FANLAR” KAFEDRASI

«Huquqshunoslik. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi» fanidan

REFERAT

**MAVZU: Хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятини
шакллантиришнинг илмий назарий асослари**



Бажарди:

М.Қаюмов

Қабул қилди:

Акрамов.Ж

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг илмий назарий асослари.

РЕЖА:

- 1. Ҳуқуқий маданият тушунчаси**
- 2. Ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда
ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамияти**
- 3. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда
давлат бошқаруви органлари ва кенг жамоатчиликни ролини
кучайтириш**
- 4. Хулоса**

“Ҳуқуқий маданият” кенг кўламли, маънодор тушунчадир. Ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳуқуқий категория сифатида мураккаблиги билан ажралиб туради.

Ҳуқуқий маданияти тушунчасига таъриф беришда, бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган ҳуқуқшунослар, олимлар турлича фикрлар бериб ўтишган.

Масалан, бу маъно остида инсон томонидан вужудга келтирилган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуаси жамиятнинг ғоявий ҳолати, унинг сифати, ижодий фаолият ва унинг маҳсули, инсон фаолияти ва унинг мажмуий турлари, жамиятнинг маънавий ҳаёти ва ҳақозолар ётади.

Ҳуқуқий маданиятнинг умумий таърифига назар ташлайдиган бўлсак, ҳуқуқий фанлар доирасида “ҳуқуқий маданият” тушунчаси кўпқиррали ва мураккаб эканлигини кўриш мумкин. Бугунги кунга келиб ҳуқуқий маданиятнинг 250 га яқин таърифи шакллантирилган. Ушбу таърифларнинг

кўпчилиги ҳуқуқий маданият ҳуқуқ ва уни амалга ошириш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти ҳақидаги тасаввурлар йиғиндиси деган нуктаи назарга асосланади.

Хусусан профессор З.М.Исломов ҳуқуқий маданиятга қуйидагича таъриф беради: “Ҳуқуқий маданият деганда, ҳуқуқий билим андазалари ва унинг табиатини, ҳуқуқий тизим баҳосини, шунингдек, ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар соҳасини тартибга солувчи ижтимоий кадриятлар, нормалар, анъана ва андазалар мазмун-моҳиятини тушуниш керак”. А.Х.Саидов ва У.Тожихоновлар эса ҳуқуқий маданиятни “Жамият ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир” деб таърифлашади.

Баъзи олимлари томонидан ёзилган адабиётларда ҳуқуқий маданият “ҳуқуқий фикрлаш ва ҳуқуқий воқеликни идрок қилишнинг муайян даражаси”, шунингдек, “аҳоли томонидан қонунларни билишнинг тегишли даражаси ва нормаларни ҳамда уларнинг нуфузини ҳурмат қилишнинг юкори даражаси” деб таърифланади.

Ҳуқуқий маданиятни ўрганишда, бу фикр ҳам ўзига хос ўрин тутаяди, чунки субъектнинг ҳуқуқий маданияти даражаси ҳуқуқий маданиятни таснифлашда уни ўрганишда асосий йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий маданият кишиларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси, қонунларга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларни ижро этиши, ҳаётга тадбиқ эта олиш кўникмаси, ҳуқуқ бузарликларга нисбатан мурасасизлик, қонунларга итоаткорлик, ҳуқуқий фаоллик ҳамда ташаббускорлик даражасидир. Жамият аъзоларининг юксак ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти жамиятимиз тараққиётини таъминлайди.

Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг етуқлиги ва онглилигини кўрсатувчи мезон. Ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунларнинг аҳволи,

хуқуқни амалга ошириш ишларини ташкил этиш даражаси, хуқуқнинг обруйи сингари элементлардан ташкил топади.

Хуқуқий ва демократик давлат барпо этишнинг муҳим шарти ҳамда фуқаролик жамиятида кишиларнинг етук маънавияти, хуқуқий бурч ва масъулиятлари тушунилади. Дархақиқат, “Жамиятда хуқуқий маданиятини юксалтириш миллий дастури”да ҳам кўрсатиб ўтилганидек, юксак хуқуқий маданият – демократик таминол пойдевори ҳамда хуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир.

Шу сабабли, жамиятда хуқуқий онгни ва хуқуқий маданиятни ошириш ишларини кучайтириш, аҳоли ўртасида хуқуқий билимлар ва хуқуқий маданият тарғиботини ривожлантириш ҳар доим ҳам жамият аъзоларининг бирламчи вазифаси бўлиб келмоғи лозим.

Юксак хуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда хуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш хуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва хуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади¹.

Бугунги кунда, мамлакатимизда фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам хуқуқий механизмлари яратилиб, улар амалда самарали жорий этилмоқда. Инсоннинг хуқуқий маданиятини рўёбга чиқариш соҳасида узлуксиз таълим-тарбия ишлар тизими юқори даражада

¹ Қаранг: “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури”. 29.08.1997 й.

шакиллантирилмоқда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан 2001 йил 4 январда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ўқув курсини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони.**

Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ихтисослаштирилган даврий нашрлар сонини кўпайтириш, уларни мунтазам равишда чоп этилишини таъминлаш, шунингдек барча таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий билимларни шакиллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган кўرғазмали ўқув машғулотларини доимий равишда ўтказиб бориш муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимиз ривожланишининг бугунги босқичи аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, шу жумладан уларнинг ҳуқуқий билимларини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Зеро, ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқарилишининг муҳим гаровидир.

Шунингдек, биз ёшларни тарбиялашда шунга эътибор беришимиз лозимки жавобгарлик ва интизом туйғуси юқори даражада шаклланган бўлиши керак. Ҳар бир қилинган иш учун жавоб бериш кераклигини тушуниб етиш керак, жавобгарлик борган сари мустаҳкамланиб энг фойдали ва зарурий одатга айланмоғи лозим. Айниқса, инсоннинг оила олдидаги ижтимоий – жавобгарлиги ва бурчи туйғуси бебаҳодир. Чунки бу туйғуларни қарор топиши аввало улар тарбияланаётган оилада шаклланади ва келажакда ёшларга жамият, давлат олидидаги масъулият, жавобгарлик хис-туйғуларининг пойдеворига айланади.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларига тўхталиб ўтиш жоиз: “Ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони эмас, балки, ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади”. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив

хужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади”². Ҳуқуққа юксак ҳурмат билан қаровчи ёшлар ҳар қандай қоида ва талабларнинг бузилишига қарши туради, ҳар қандай ҳуқуқбузарликка нисбатан мурасасиз бўлади. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан тасдиқланган “Жамият маданиятини юксалтириш миллий дастурида: мамлакатимизда қонун хужжатларини инсон ҳуқуқларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга изчиллик билан мувофиқлаштириб бориш зарур.

Қонун устиворлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири ҳам фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар кимда, асосан ёшларда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантиришдан иборатдир.

Қонунга итоаткорлик – жамиятнинг ижтимоий муносабатлари ва маданият ривожланиши жараёнида шаклланиб борадиган ҳодисадир. Қонунга итоаткорлик тўғрисида ҳуқуқнинг шахс эрки билан узвий бошқа жиҳатлари бўлганидек, собиқ совет салтанати йилларида қарийб ҳеч нима ёзилмади. Шу боисдан ҳозиргача қонунга итоаткорлик илмий ахлоқий тушунча сифатида ўзига муносиб тадқиқотларга эга эмас.

Ёшларнинг қонунга итоаткорлиги уларнинг юксак ҳуқуқий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб етиб, ижтимоий бурч, давлат ва жамият олдидаги жавобгарлик туйғуларида намоён бўлади. Шу билан бирга қонунга кўр-кўрона итоат этиш эмас, балки унинг моҳиятини, талаб ва тартибларини онгли равишда бажаришлари лозим. 2000йил май ойида Тошкент шаҳрининг бир неча Олий ўқув юртларида олиб борилган социологик тадқиқот натижаларига кўра: “Нима сабабдан инсонлар қонунларга амал

² И.А.Каримов. “Буюк келажак сари”.-Т.Ўз.н. 1998. 127-с.

қилишади?” – деган саволга 39,2% респондент “Жазоланишдан қўрққанликлари учун” деб жавоб беришган. Қолганларнинг бир қисми қонунни бузиш мумкин эмаслиги, жамият ва одамлар уни муҳокама қилишидан қўрқшини ва бошқа сабабларни кўрсатишган. Ёшлар қонун нормаларига жазоланишдан қўрқиб эмас, балки ихтиёрий равишда амал қилишлари зарур. Бу уларнинг ички эътиқодларига айланмоғи лозим.

Ёшларда қонунларга итоаткорликни шакллантириш учун, уларда ишонч хиссини қарор топтириш лозим. Агарда мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунга итоат қилмас эканлар, бу ёшларда қонунга бўлган ишончсизликни юзага келтишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов “*Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари*” номли асарида, - “Ўтиш даврининг муайян қийинчиликлари шароитида фуқаролар онгида, айниқса ёш авлоднинг бир қисмида, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга ҳилоф фаолият билан боғлиқ деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар билан бойлик орттиришга интилиш, башарти у жамиятнинг ва назоратнинг эътиборидан четда қолса аёниқса ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ёшларни ёмон йўлга оғдиради. Ахир жамият ва давлат учун ёш авлоднинг ахлоқан бузилиши ва юзтубан кетиши ҳам аянчлироқ, халокатлироқ ҳол борми ўзи?” – деб халқимизга мурожаат этдилар³. Призедент Ислоом Каримов айтганидек: “Ҳуқуқий давлатнинг белгиси – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципини таъминлашдир”.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданият – ҳуқуққа доир билимларни шунчаки ўрганиб олиш эмас, балки улардан ҳуқуқ-тарғиботни ва қонунийликни

³ И.А.Каримов. “Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т. Ўзбекистон. 1997 й. 90-с.

мустаҳкамлашга онгли суратда йўналтирилган амалий фаолиятда фойдалана олишидир. Агар бу билим ва ишонч ёшларнинг амалий фаолиятида юзага чиқмаса, у ўликдир ва жонсиздир. Фаоллик ёшларнинг ташаббускорлиги ва ижодий фаолиятида ўз аксини топади. Биз ёшларни саводхонлик даражаси, қонунларга бўлган ҳурмати, нормаларни ижро этиш, ҳаётга тадбиқ этиш кўникмаси, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик, фаоллик ва ташаббускорлик даражаси юқори, онги ҳаётда фаол вазифаларни бажаришга қодир бўлсагина юқсак даражада маданиятга эга деб айтишимиз мумкин.

Юртбошимиз демократик давлат қуриш йўлларини илмий асослаб берар экан, асосий масалаларга чуқур эътибор бериш лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди. “Барча фуқороларнинг қонун олдидаги тенглигини ва қонуннинг устуворлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг ҳавфсизлигини кафолатлайдиган давлатни барпо этиш. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва маъсулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса давлатни тасаввур этиб бўлмайди”⁴.

Умуман олганда, демократия даражаси халқимиз қонун ва қарорлар қабул қилинишидан хабардорлиги, давлатни бевосита ёки билвосита бошқаришдаги иштироки билан баҳоланади. Демократик давлатнинг энг муҳим белгиси – бу жамиятда қонун устуворлиги принциpidир. Бу ҳолат Конституциямизнинг 15-моддасида мустаҳкамланган. Ислом Каримов Конституциямизни таърифлаб, шундай деган эди: “Ҳар қандай давлатнинг обрў – этибори унинг конституцияси ҳисобланади. Зотан Конституция давлатни давлат, миллатни-миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз – халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онгини ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан

⁴ И.А.Каримов. “Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли”.-Т.Ўзбекистон.1998 й. 16-с

айтганда, конституциямиз том маънода, халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир”⁵.

Мустақиллик туфайли таълим-тарбия, маданият ва онга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Жамиятда Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Аҳолининг Ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган масалаларни давлат сиёсати даражасига кўтарилашида Президентимизнинг “ тарбияни яхшилаш, аҳолининг Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида“ фармони муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Қонунга бўлган ҳурматни тарбиялаш, фуқороларнинг Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини кўтаришнинг долзарблигига алоҳида этибор берган ҳолда Юртбошимиз шундай деганди: “Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражада ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, нормалар одамлар онгига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва руёбга чиқади”⁶.

Ўзбекистонда ислохотларнинг негизини яратишнинг бир қанча муҳим йўналишлари бўйича амалга ошириш зарур деб биламиз бунда, асосий вазифа ҳозирги шароитларга мос келадиган қонунларни ишлаб чиқиш ва

⁵ И.А.Каримов. “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”.-Т.Ўзб.1992 й. 36-с

⁶ И.А.Каримов.”Буюк келажак сари”.Ўзб. 1998 й. 127-с

қабул қилишдангина эмас, балки уларга оғишмай амал қилинишини таъминлашдан ҳам иборат бўлиши лозим.

1997 йил 20 майда Ислом Каримовнинг ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказган учрашуви, ҳуқуқ тартибот органлари ходимларининг Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга катта эътибор бериш кераклигини кўрсатади.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23-февралида бўлган 1-сессиясидаги сўзлаган “Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг тамойиллари“ маърузасида Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга тўхталиб шундай дейди: “Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш учун судга муурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият дегани-турли можороларни ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир”⁷. Сир эмаски, оддий фуқоро, аввало, давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажараётган-ликларига эътибор беради. Агар шундай бўлмаса, агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилса мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади.

Аҳолининг кенг қатламларига мулжалланган “Ҳуқуқ-право-лав”, “Ҳаёт ва қонун”, “Қонун ҳимоясида”, “Ижтимоий фикр”, “Демократия ва инсон ҳуқуқлари”, “Инсон ва қонун”, “Қалқон”, “Қонун номи билан”, “Хўжалик ва ҳуқуқ” каби янги юридик газета ва журналлар пайдо бўлди.

⁷ И.А.Каримов. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”.-Т.Ўз-н.1995 й. 189-с

Фикримиз хулосаси сифатида шуни айтишимиз мумкинки, биз Президентимизнинг асарларини чуқур мутоала қилиш натижасида ҳуқуқ соҳасида қуйидаги йўналишларни илмий асослаб берилганлигини кўрдик:

биринчидан, Конституция ва қонун устуворлигини тан олиш ва қонун олдида тенглик;

иккинчидан, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш;

тўртинчидан, аҳоли кенг қатлами ўртасида тарғибот ва ахборотни йўлга қўйиш.

Ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, демократик жараёнларни чуқурлаштириш учун яратилаётган янгидан-янги имкониятлари, шарт-шароитлардан имкони борича фойдаланиб, жамиятда юксак ҳуқуқий онга, ҳуқуқий маданиятга ва маънавиятга эга бўлган шахсларни шакллантиришда ҳар бир фуқаро ўз хиссасини қўшиши лозим.

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, «ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.

Шу маънода, 1992 йил декабр ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик

жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борадаги ишларимиз 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган кейинги 10 йил давомида янада фаоллашиб, кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда.

Натижада бугунги кунга келиб биз ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришдик, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Бунинг тасдиғини мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб

туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит

яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Мамлакатимизда Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

Менинг сизларга мурожаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик.

**Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда
давлат бошқаруви органлари ва кенг жамоатчиликни ролини
кучайтириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш Концепциясини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 3559-Ф-сонли Фармойишига мувофиқ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий

дастури лойихаси тайёрлаш белгиланган. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, бу борадаги ишларни жадаллаштиришда бекиёс ўрин тутди. Бунда давлат бошқарув органлари, ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган мавзуларда ўқув машғулоти ўтказиб бориш уларнинг ҳуқуқ борасидаги билим савиясини оширишга олиб келади.

Ҳар бир маҳалла аҳолиси учун “Инсон ва қонун” ўқув тўғрақлари ташкил этиш ва уларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари, таълим муассасаларининг ҳуқуқ фанларидан дарс берувчи профессор ўқитувчиларини жалб этиш, аҳоли ҳуқуқий онгининг юксалишига хизмат қилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда аввало уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билиб олишлари ҳамда улардан ҳеч қандай тўсиқ ва монеликларсиз тўлиқ ва кенг фойдаланиш имкониятларини амалда таъминланиши муҳим мезон бўлиб ҳисобланади .

Шу билан бир вақтда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари катта аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мавзулардаги рўнларига эътиборини кучайтириш, аҳоли ўртасида кўпроқ кўтарилаётган ҳуқуқий муоммоларни даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида тушунтириб бериш борасидаги фаолиятини кескин ошириш зарур бўлади.

Давлат хизматчилари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида, улар фаолиятининг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий билим асосларини ўқитишни йўлга қўйиш лозим бўлади. Бинобарин, ҳуқуқ соҳасига алоқаси бўлмаган давлат

хизматчисининг ҳам ўз соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўлиқ англаб олишини, шунингдек жамият ҳаётида муайян вазифаларни амалга оширишда ман этувчи ёки таъқиқловчи функцияларни бажаришга тўғри келганда уларни тадбиқ эта олиш имкониятларига эга бўлиш даражасини таъминлашга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ҳар бир давлат хизматчиси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ходимларининг феъл-атвориغا Ўзбекистон Республикаси қонунларига бўйсунуш ва уларни ҳурмат қилиш одобини сингдириб бориш керак. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражасига нисбатан алоҳида талаблар ишлаб чиқиш, қонунларга ҳурматсизлик қилган мансабдор шахслар тўғрисида асослантирилган кўрсатувлар, эшиттирилар ташкил қилиш, мақолалар чоп этишни кенг ёйиш лозим бўлади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 451-сонли қарорида⁸ “фуқароларимиз айниқса ёш авлод қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишда, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган амалий тавсиялар тайёрлаш” масаласига алоҳида эътибор қаратиш масаласи ҳам айни шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига кўра, “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

⁸ “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”. 451-сонли ПҚ, 2006 й. 25 август.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”лиги мустаҳкамланган.

Фуқароларнинг мурожаатлари мазмунига кўра уч шаклда бўлади.

- 1) Таклиф;
- 2) Ариза;
- 3) Шикоят.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқни тўлиқ таъминланиши биринчи навбатда бошқариш маданияти даражаси, ваколатли давлат органлари хизматчиларининг масъулияти ва онги билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Республикасини ҳозирги даврда амалга оширилаётган ислохотларининг бош мақсади – мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Бу эса республикамизда кечаётган сиёсий-ҳуқуқий жараёнларнинг шиддат билан ривожланиши шароитида ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва уларни ҳуқуқий тартибга солинишини тақазо этади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатда ижтимоий адолат тантана қилиши, тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришига уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Мазкур муносабатларда уйғунликка, манфаатлар мутаносиблигига эришилсагина адолатли жамият барпо этилади.

Ушбу ўта муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган « тарбияни яхшилаш, аҳолининг маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони алоҳида аҳамият касб этди.

«Ҳуқуқий маданият деганда эса, «жамиятнинг қонунчилик даражаси, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси, халқнинг ҳуқуқ

нормаларига риоя қилиши ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан мурасасиз бўлиши тушунилади». Демак, «ҳуқуқий маданият» ва «ҳуқуқий онг» ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар бўлиб, шахснинг ҳуқуқ нормаларига амал қилиши ва уларни қўллаш олиши ҳамда ҳуқуқбузарликдан ўзини тийиб туриши билан белгиланади. Шунингдек, ҳуқуқ нормаларини бажармаган шахсларга нисбатан қарши тура олиш ҳам ҳуқуқий маданиятнинг белгиси ҳисобланади.

Ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамияти.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир вақтда ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мамлакатимиз олдида турган муҳим масалалардан биридир. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жамият тараққиётининг ривожини, ўсиб келаётган авлоднинг таълим даражасини, ҳуқуқий саводхонлигининг юқориликсизлигига боғлиқдир. Яхши таълим – тарбия олган баркамол авлод ҳеч қандай ҳуқуқбузарликнинг кўчасига қирмайди, унинг ботқоғига ботмайди. Аммо, шуниси ачинарлики, бугунги кунда ана шу кўчага кириб қолган ўсмирлар кўплаб учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқароларга тааллуқли ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий негизини белгилаб беради ва уни тегишли қонунларни ривожлантириш ҳамда тизимга солиш учун асос деб эътироф этади.

Ҳуқуқий тарбия жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий онги шаклланади. Ёшларни жамият талабларига давлатнинг қонун-қоидаларига, миллий урф-

одатлар ва қадриятларга чуқур ҳурмат-эҳтиромли бўлишга ўргатиш ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асосий мақсадларидан биридир. Дарҳақиқат, ҳуқуқ асосларини, конституция ва қонунлар мазмун-моҳиятини, янги қонуний ҳужжатлар, ҳуқуқий меъёрларни кишиларнинг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги, қалбига сингдиришда ҳеч бир нарса ўз аҳамиятига кўра ҳуқуқий таълим-тарбияга тенглаша олмайди.

Умуман олганда ҳуқуқий тарғибот масаласи бугунги кунда ҳуқуқий маданияти шакиллантиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Ҳуқуқий тарғибот – жамият ва давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини, стратегик мақсадини кишиларга, оммага етказишга қаратилган маърифий ва тарғибий усуллар. Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ҳуқуқий тарғибот таъсирчанлиги ва халққа тушунарли эканига боғлиқ. Шунинг учун, ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий жамият назарияси, ҳуқуқ лойиҳаси, ҳуқуқ социологияси каби илм соҳаларининг натижаларига таянади⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1997 йил 25 июнь ойида “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги ПФ-1791-сонли Фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислохотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билимини юксалтириш, жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида, қуйидагилар белгиланди:

⁹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Тошкент: Адолат, 2009. 654-б.

Қолаверса, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури”га биноан, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва тартиб, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

– Шахс умумий ва ҳуқуқий маданиятининг ўзаро боғлиқлиги, *(ижтимоий онгни шакллантиришида ҳуқуқнинг ўрни, ҳуқуқий тарбия ва аҳолининг ижтимоий фаоллиги)*

– Ҳуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизини ривожлантириш, *(умуман жамиятдаги ҳуқуқий маданият ва аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий маданияти ҳолатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш учун сўровлар ўтказиш)¹⁰.*

– Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. *(Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари манфаатдор ташкилотларнинг иштирокида ёшларни ҳуқуқий тарбиялашнинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқиш керак).*

– Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, хорижий давлатлардаги ҳуқуқий маданиятни оширишга доир илмий тадқиқотларнинг натижаларини нашр этиш ва улардан фойдаланишни

¹⁰ Қаранг: “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури”. 29.08.1997 й.

кенгайтириш, бу соҳада илмий ахборот айирбошлашни йўлга қўйиш муҳимдир.

Илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумотномалар нашр этишни кўпайтириш аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларни кучайтириш, илмий билимларни оммалаштириш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоғи керак¹¹.

Бугун давлатимиз раҳбари катта-катта минбарлардан “...менинг ортимда Ўзбекистон ёшлари турибди” – дея, мамлакатимизнинг ўсиб келаётган ёш авлодларига юксак ишонч билдираётганлиги юқоридаги фикримизнинг ёрқин мисолидир. Ўйлаймизки, бундай ишончга жавобан барча ёшларимиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида тинмай ўқиб-ўрганиши, юртимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишда фидокорона меҳнат қилиши ҳамда юртбошимизнинг бизларга билдирган ҳар қандай даъватларига “лаббай” дея жавоб беришлари даркор.

Аmmo таъкидлаш жоизки, “ҳуқуқий маданият” ва “инсон ҳуқуқлари маданияти” бир хил тушунчалар эмас, лекин жамият маънавий маданиятининг асосий таркиблари сифатида бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга, жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида инсон ҳуқуқлари маданияти аҳамиятли ролни бажаради.

Ҳуқуқ ўз-ўзидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг муҳим омиллардан бири саналса, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқлари реал ва унумли амалга ошишига таъсир қилади.

Шахсда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш учун энг биринчи ўринда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимга катта аҳамият бериш лозим. Мамлакатимизда истиқлолга эришган илк кунларимиздан оқ ҳуқуқий

¹¹ Ўша ерда.

тарбия долзарб масалалар қаторига киритилган ва бу борада амалга оширган ишларимиз фуқаролик жамиятини қуришда катта аҳамият касб этмоқда. Масалан, Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги **“Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”**ги Фармони ҳамда Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури ҳозирги кунга қадар аҳолини ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда энг асосий ҳужжат сифатида амал қилмоқда.

Соғлом дунёқараш, масъулият, иймон ва эътиқодни ёшлар онгида шакллантиришнинг қуйидаги асосий объектив шарт-шароитлари ва омилларини ажратиб кўрсатиб кўрсатиш мумкин:

а) ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит. Ёшларда соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашнинг шаклланиши учун маълум муҳит ҳам зарур. Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз

б) соғлом ғоялар. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, халқ томонидан эътироф этилган илғор ғоялар бугунги кунда шундай фаол кучга айланганки, улар ёшларнинг психологик ва ижтимоий эҳтиёжларига тўла жавоб беради.

в) сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўсишида сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш чинакам демократик фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омили. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, шахснинг юксак билими етарли бўлиши мумкун, аммо унда ҳуқуқий маданият етишмаслиги, у фуқаро сифатида халқи ва Ватани олдида бурч ва масъулиятини теран англамаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам фуқаролар, айниқса ёшларда, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мафкуравий тарбиянинг муҳим шартидир.

Шу ўринда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш омиллари сифатида қуйидагилар тавсия этилади:

- ҳуқуқий маданиятга оид оммабоп адабиётлар;
- таълим муассасаларида ҳуқуқий маданиятга оид махсус ўқув курслари;
- ижтимоий мулоқотлик ҳуқуқий тамойиллари мавзуйига оид тадбирлар;
- мустақилликнинг инсон манфаатларига қаратилган ҳуқуқий асосларини кенг халқ оммаси орасида тарғиб этиш ва бошқалар.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва маънавият тизимидаги амалга оширилган туб ислоҳотлар инсон ва унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Биргина, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойишининг эълон қилиниши билан Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш вазифалари белгилаб берилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ёшларнинг ҳуқуқ соҳасига бўлган қизиқишларини ошириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлик жиҳатдан етук баркамол авлод бўлиб тарбиялаш баробарида 2009 йил Адлия вазирлиги ҳузурида “Ёшларга-ёшларча” ҳуқуқни тарғиб қилиш, уни тушунтириш мақсадида ёш ҳуқуқшунослардан иборат “Ҳуқуқий тарғибот гуруҳи” ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида 2008-2009 йилларда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган туб ислоҳотлар: ўлим жазосининг бекор қилиниши, одам савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий асослари, фуқароларнинг муурожаатларининг ҳуқуқий жиҳатлари, сайлов қонунчилигига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар, ёшларда солиқ маданиятини юксалтириш, экология маданияти ва бошқа қонун, қонун ости меъёрий ҳужжатларига муурожаат этилади.